БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 170 (3142). | Сешанба, 31 август 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЧЕВАР ТЕРИМЧИ

Шу кунларда Оққўрғондаги «Ленинобод» колхозининг далаларида пахта йиғим-терими тобора авж олдирилаяпти. Давлатга пландаги 3100 тонна ўрнига 3750 тонна «оқ олтин» етказиб беришга бел боғлаган колхоз пахтакорлари мавсумни қисқа муддатда ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз механизаторлари ўз «зангори кема»ларини мавсумга тайёрлаб қўйдилар. Улар бўкалик механизаторлар ташаббусига қўшилиб, мавсумда машина билан кўпроқ пахта теришга аҳд қилдилар. Колхозининг чеварлари дастлабки кунданоқ ғайрат камарини маҳкам боғлаб, кўп ва сифатли пахта термоқдалар. Суратда: шу колхозининг илғор теримчиларидан бири ДУРИЯ НИЕЗОВА. У эл хирмонига 15 тонна «оқ олтин» тўкмоқчи. Ҳозир Дурия кунига 200 килограммдан ошириб пахта термоқда.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА

Партиямизнинг коммунизм қуриш Программасида совет жамияти барча меҳнаткашлари онгида фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг бир бутун ҳамда мунтазам системаси бўлган марксизм-ленинизм асосида илмий дунёқарашни шакллантириш биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган.

Партиямиз олиб борган катта тарбиявий ишлар, илғор совет фани қўлга киритган улкан ютуқлар туфайли совет кишиларининг катта кўпчилиги социалистик қурилиш жараёнида дин билан алоқасини узди. Илмий, марксча-ленинча дунёқараш — кенг омманинг дунёқараши янги ҳаёт қуришда кураш ва ғалабамизнинг қудратли қуроли бўлиб қолди.

Лекин жамиятимиз аъзоларининг бир қисми ҳали ҳам диний қарашларни тарк этган эмас. Урофот ва бидъатлар ҳанузгача айрим совет кишилари учун ўз ижодий қучларини тўла ишга солишга тўғаноқ бўлиб келмоқда. Баъзи онлалар эскилик сарқитларидан ҳамон ҳоли эмаслар.

КПСС Программасида ва партия Марказий Комитетининг идеология ишидаги вазифаларга бағишланган июнь Пленуми қарорларида тарбия соҳасида белгилаб берилган тадбирларни амалга ошира бориб, областимизда атеистик пропаганда бирмунча яхшиланди. Партия ва жамоат ташкилотлари тематик кеча, мунозара, конференция, савол-жавоб кечаси, атеизм лекторийси ва клублари, агитбригадалар каби янги-янги формаларни самарали қўлланмоқдалар. Илмий-атеистик пропагандага табиёт илмининг йириқ олимлари медицина арбоблари, жойлардаги маҳаллий зиёлилар актив жалб этилаётир.

Областда аҳоли ўртасида олиб бориладиган динга қарши пропаганданинг форма ва методларига бағишланган назарий конференция ўтказилиб, унда партия ташкилотлари, лекторлар ва пропагандистларга ёрдам берадиган тавсиялар ишлаб чиқилди. Илмий-атеистик пропагандани яхшилашга қаратилган ана шу тавсиялар натижасида жойларда ишлар анча жонланиб кетди. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида областда илмий-атеистик темада икки мингдан ортиқ лекция ўқилди. Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозларда пропаганданинг оммавий формасини кенг қўлланиш билан бирга, динга ишонувчилар ўртасида яккама-якка иш олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Янгийўл районида 33 та атеистлар группаси бўлиб, уларнинг аъзолари сони 120 га яқиндир. Группа аъзолари системали равишда атеистик тарбия билан шуғулланиб, партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида иш олиб бораётган 13 мингдан ортиқ сиёсий ташкилотчилар фаолиятида ҳам ўтмиш сарқитларига қарши кураш, атеистик тарбия масалалари марказий ўринни ишғол қилади.

Областда олиб борилаётган атеистик тарбиянинг бундай ижобий мисоллари ҳаммани қувонтиради, албатта. Лекин партиямиз қўяётган юксак талаблар нуқтаи назаридан қараганда, илмий-атеистик пропаганда соҳасида олиб борилаётган ишларнинг таъсир доираси ва савияси ҳали қониқарли эмас. Партия, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари атеистик тарбияда ҳалигача формализм, ўзибўларчилик ва кампаниячиликка барҳам берган эмаслар. Олиб борилаётган атеистик пропаганда кўпинча ҳаётдан ажралган бўлади, атеистнинг сўзи кўпнича кишиларнинг онги ва юрагига етиб бормайди. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. «Билим» жамияти Тошкент область ташкилотининг аъзоси, атеист лектор М. Ирисалиев яқинда 1-«Далварзин» совхозига лекция ўқиган борган. У бир кунда 8 жойда «Ислом динининг реакцион моҳияти» деган темада лекция ўқиган. Шу жамиятнинг аъзоси Йўлчи Абдуллаев ҳам Янгийўлга командировкага борганида атеистик темада ўн минутлик лекцияларни ўқиб ташлаган. Сифатни эмас, сон кетидан қувишни кўзлаган бундай масъулиятсиз ва тутуруқсиз лекторларнинг дала кезиб юришларидан нима фойда?!

Шуни унутмаслик керакки, атеистик пропаганданинг таъсири ва кўлами ўқилган лекцияларнинг сони билан ўлчанмайди. Бу ишда одамлар юрагига йўл топа билиш, ҳаётий мисоллар бой бўлган самимий суҳбат формасидан кенг фойдаланиш лозим.

Областдаги айрим район партия комитетлари ва уларнинг тегишли бўлимлари атеистик пропагандани кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида атеистик темада Бекобод районида атиги 9 та, Калинин районида 16 та, Оламликда 12 та, Ўрта Чирчиқда 21 та лекция ўқилган, холос. Бекобод район партия комитети эса бир ярим йил ичида ўз бюро мажлисида атеистик тарбияга тааллуқли масалани атиги бир марта кўриб чиққан, холос. Бундай камчилик Оққўрғон районида ва Чирчиқ шаҳрида ҳам учрайди.

Атеистик пропагандани чинакамига авж олдириб юбориш учун ҳамма жойда атеизмни ўрганиш семинарлари, мактаблари ва тўгараклари ташкил этиш, сиёсий маориф системасида тингловчиларнинг ўқишини атеистик иш билан қўшиб олиб бориш зарур. Партия, совет, комсомол ва касаба союз ходимлари ҳамда активлар учун, педагоглар, маъмурий ходимлар ва хотин-қизлар кенгашлари, маҳалла комитетлари, пенсионерлар кенгашларининг раислари ҳамда аъзолари учун атеистик тарбия масалаларига бағишланган семинарлар ўтказиб туриш ҳам яхши натижалар беради.

Партия ташкилотларининг диндорлар ишлаётган ёки яшаётган жойларда улар билан иш олиб бормоқ учун турмушни яхши биладиган обрўли кишилари белгилаб қўйишлари, агитатор ва пропагандистлар составини яхшилашлари айниқса муҳимдир.

«Билим» жамиятининг область, шаҳар ва район ташкилотлари, Тошкентдаги илмий-атеизм уйи, табиёт музейи ва бошқа маданий-оқартув муассасалари илмий-атеистик пропаганда савиясини ҳозирги талаблар даражасига кўтаришлари лозим.

Партия ташкилотлари атеистик тарбия билан мунтазам шуғулланишлари, диний идеологияга актив ҳужум қилиб, ўтмиш сарқитларига қарши ўт очишлари керак. Барча совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантиришга эришайлик!

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Киров номли совхозининг 1-бўлими ишчилари 980 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан хирмон кўтариш учун курашяптилар. Деҳқонлар асосий майдонлардаги ғўзани машинабоп қилиб парвариш қилдилар. 720 гектар ердаги пайкалнинг ҳамаси бегона ўтлардан тозалаб қўйилди.

Н. ТЎФОНОВ.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Райондаги Шўралисой пахта тайёрлаш пункти мавсумга пухта тайёрлаб қўйилди. Ишчилар жамоатчилик асосида меҳнат қилиб, хирмонларни, тарозиларни ремонтдан чиқардилар. Шофер ва аравакашларнинг унумли ишлашлари учун ҳам бу ерда барча шароитлар яратилган.

Ш. РАЖАБОВ.

* * *

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари машина теримига пухта тайёргарлик кўришаяпти. Антон Лим, Андрей Ким, Қушан Турғунбоев, Мирза Имомалиев каби механизаторлар бу йил юз тоннага етказиб пахта терib бериш мажбуриятини олганлар. Улар мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашиб ўзлари бошқарадиган терим агрегатларини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар.

— Колхозимиз аъзолари, — дейди бош агроном П. Ли, — бир группа тажрибали деҳқонларнинг Ўзбекистондаги барча пахтакорларга қарата ёзган очиқ хатини ўқиб жуда мамнун бўлдилар. Мактуб бизлар учун катта аҳамиятга эга. Биз уни яхши ўрганиб, амалий ишимизда тўла фойдаланамиз. Ҳар бир ишни уюшқоқлик билан ташкил қилиб, йиғим-теримни намунали кутиб оламиз.

А. РАИМБОЕВ.

БЎКАЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

Бўкалик азамат механизаторларнинг пахтани машинада териш юзасидан белгилаган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган тадбирларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Ҳақиқатан ҳам бу тадбирларни мақтаса мақтагудек. Бир районда мингта «зангори кема»нинг ишлаши жуда катта гап. Бизнинг районимизда, жумладан бизнинг совхозимизда ҳам машина терими йил сайин кенг қанот ёзмоқда. Ўтган йили мавжуд машиналаримиздан уддабуронлик билан унумли фойдаланганлигимиз туфайли пахта тайёрлаш планини қисқа муддат ичида бажаришга муваффақ бўлдик. Етиштирган пахтамиз илгариги йиллардагидек қорёғмир остида қолиб кетмади. Деҳқонлар машинанинг ана шундай қудратли кучини назар-эътиборга олиб, «зангори кема»лар «оғиримизни енгил, узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилади» дейишади.

Бу йил об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, чигитни ҳар йилгидан ҳам барвақт экиб олишга муваффақ бўлдик. Гарчи баҳор кеч келгани ва совуқчилик кам бўлган бўлса ҳам, биз майдонларимизни оби-тобида борона қилиб, ернинг намини қочирмадик, чигитни табиий намга барвақт ундириб олдик. Бу ғўзаларнинг ёшлигиданоқ бақувват бўлиб ўсишига имкон берди. Бутун ғўза парвариши давомида бригадамиз пахтакорлари тиним билмай ишладилар. Ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш ҳаммамизнинг диққат марказимизда турди.

Мана, олтин куз ҳам эшик қоқаяпти. Ҳозир далаларимизга чиққан кишининг баҳри-дили очилиб кетади. Чаноқлардаги пахта чаман-чаман бўлиб очилиб ётибди. Ҳар туп ғўзадан талайгина пахта терib олиш мумкин. Ҳосилнинг баракали бўлгани деҳқонларимизни ниҳоятда қувонтирмоқда, уларни янада ғайрат билан меҳнат қилишга отлантирмоқда.

Пахта йиғим-теримини бошлаб юборганимизга ҳам бир неча кун бўлди. Ҳозир бригадамиз аъзолари машиналар ишлай олмайдиган кичик-кичик майдонларнинг ҳосилини жаддалик билан йиғиштириб олаяптилар. Биз мавсум бошланмасидан илгари «йиллик планни узоғи билан 10 октябргача бажарамиз» деб кўпчиликка ваъда берган эдик. Шу кеча — кундузда ваъдамизнинг устидан тезроқ чиқиш учун қизғин ҳаракат қилаяпмиз.

Йиғим-терим мавсумимизнинг муваффақиятини асосан машиналар ҳал қилади. «Зангори кема»лар бутун мавсум давомида тиним билмай ишлаб турса, механик-ҳайдовчилар кун сайин ғайратга-ғайрат қўшиса хирмонимизнинг чўғи ҳам, суръат ҳам тобора ортаверади. Бригадамизда 4 та комплекс механизациялашган звено бор. Уларнинг ҳаммасига механизаторлар бошчилик қилаяпти. Бу звеноларнинг ҳар бирига икитадан машина биркитиб берганмиз. Биттасини звено бошлиғининг ўзи ҳайдаса, биттасини унинг ёрдамчиси ҳайдайди. Саккизта машина билан бригадамиз далаларида етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини терib олмоқчимиз.

Ҳозир далаларимиз устида самолётлар учиб юрибди... Улар ғўзани сифатли дефолиация қилмоқда. Бригадамиз аъзолари эса машина теримига тайёргарлик билан алоқадор бўлган бошқа ишларни бажаришаяпти. Пайкалларимизда бирорта бегона ўт қолмаган. Машиналар қайтадиган майдончаларни ҳозирлаяпмиз.

Йил бошида мавжуд 167 гектар майдонимизнинг ҳар гектаридан пландаги 26 центнер ўрнига камида 30 центнердан ҳосил кўтариб, она-Ватанга 500 тонна «оқ олтин» ҳадя этишга аҳд қилган эдик. Энди бундан буёнги ҳаракатимиз ана шу аҳднинг уддасидан чиқишга қаратилади.

С. ХОШМУРОДОВ,
1-«Оққўрғон» совхози 2-бўлимининг бригада бошлиғи.

МЕҲНАТ — БАХТ

(Қишлоқдан шеърий лавҳа)

Ватанимда ҳар тонгнинг
Уз ҳусни, ўз файзи бор.
Завқланасан, яйрайсан,
Дилдан берсанг эътибор.
Айниқса қовун фасли,
Далалар кўркам, ғўзал,
Меҳнат тонготарининг
Ҳар дами жўшқин ғазал.
Узоқларга бошлайди
Каттакон асфальт йўллар,
Қайга борсанг қадрдон,
Равшан тортар кўнгиллар.
Чиндан мусаффо, эркин
Сунбуланинг насафи,
Юзга кирган кексада
Йигитликнинг ҳаваси,
Пушти ранг уфқаро
Қишлоқ уйғонган маҳал,
Байтқўрғон кўринар,
Тонгдан товланиб, заҳрал,
Ҳаво тиниқ, сув тиниқ,
Боғлари, полизлари,
Мақтаса мақтагудай
Боғлардаги қизлари,
Ишкомларда узумлар,
Товланади ранг-баранг,
Чаросларнинг шарбати
Пўстига сигар аранг.
Олмазорлар ҳосили,
Тонна-тоннадан ошар.
Кунига тўртта еган
Ҳойнаҳой юз йил яшар.
Ризамат ота каби
Боғбонларига балли,
Дард кўрмасин қўллари,
Ҳалол меҳнат эллари.
Байтқўрғон узумин
Шира олдирган чоллар
Ҳусайнига тан берар,
Чамандан келган боллар.
Меҳнат билан гуркираб
Яшнаган эгинзори,
Бу элнинг пахта билан
Баланддир эътибори.
Далаларда меҳнатнинг
Жуда қизиғи чоғи,
Катта хирмонга очиқ
Пахтакорнинг қучоғи.
Қаҳрамон Тўхта опа
Янги ҳосилни ўйлаб,
Меҳнатга парвонадир
Квадраттар бўйлаб.
Белларга урилади
Ғўзалар кўркам, гулгун,
Пахтакор ғайратидан
Юраклар мамнун бугун.
«Правда» колхозида,
Ҳосилнинг чўғи катта,
Бу ҳосилдан эл эрта
Хирмон уяр, албатта.
Байтқўрғон тонгидир
Чинанам меҳнат тонги,
Тонг билан эшитилар
Жўшқин қўшиқ оҳанги.

Юсуфжон ҲАМДАМ
Оржоникидзе райони, «Правда» колхози.

МАШИНАМДАН ЎРГИЛАЙ

(Бўкалик механизаторларга бағишлайман).

Пўлат отим, қанотим —
Машинамдан ўргилай.
Ишда чидам, саботим,
Машинамдан ўргилай.

Қай тил билан мақтайин,
Қилган иши мнхтайин.
Яйрайман минган сайин,
Машинамдан ўргилай.

Машинам бор бе армон,
Теримда сафда борман.
Тиклашда тоғ-тоғ хирмон
Машинамдан ўргилай.

Машинам бу кўз нурим.
Шон-шуҳратим, ғуруримм.
Қувончим, юрак қўрим,
Машинамдан ўргилай.

Машинасиз куним йўқ,
У сиз ишда унум йўқ.
Қийинлик кўрганим йўқ,
Машинамдан ўргилай.

Машина ҳўп қўл келди,
Ҳар орзуга йўл келди.
Ундан ризқим мўл келди,
Машинамдан ўргилай.

Толиб ИЎЛДОШ.

ТАШАББУСДАН РУҲЛАНИБ

Бўкалик механизаторларнинг ватанпарварлик ташаббуси кўплар қатори Янгийўлдаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг пахтакорларини ҳам ғоят руҳлантириб юборди. Улар йиғим-теримда ҳал қилувчи куч ҳисобланган «зангори кема»лардан унумли фойдаланиш учун қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Терим машиналарининг ҳаммаси мавсумга тўла шайлаб қўйилган. Пайкалларда «зангори кема»ларга кенг йўл очиш мақсадида бегона ўтлар йўқотилаяпти. Қайтиш майдончаларини ҳозирлашга ҳам жиддий эътибор билан қаралаяпти. Колхозининг ҳормас-толмас механизаторлари машина терими мавсумининг бошланишини сабрсизлик билан кутиб туришибди. Улар ғўза барглари сунъий равишда тўктирилиши билан пўлат отларини пайкалларга соладилар.

Машина теримидек катта ишга қизғин тайёргарлик кўриш билан бир қаторда пахтани кўл билан терib олишга ҳам жиддий эътибор берилаяпти. Ҳозир колхознинг Мусо Тузелбоев, Комилжон Фозилов, Абдурахмон Аввалбеков сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор бригадаларида терим суръати тобора жадаллаштирилмоқда. Мавсумда эл хирмонига 10—15 тоннадан пахта тўкишга сўз берган М. Мадалиева, О. Икромова, У. Жандабоева, Р. Сиддиқбоева каби ўртоқларнинг ҳар бири кунига 110—120 килограммдан пахта теришга муваффақ бўлаяпти.

Бу колхоз пахтакорлари йил бошида пландаги 3850 тонна ўрнига 4500 тонна пахта етиштириш юзасидан мажбурият олган эдилар. Энди ҳосил пишиб етилгач, ғўза тупларидаги пахта чамалаб кўрилди ва зиммага оширилган социалистик мажбурият олинди. Бу мажбурият — 4780 тонна! Колхозчилар оширилган мажбуриятни шараф билан бажариш учун кун сайин ғайратга-ғайрат қўшишмоқда.

Қ. БУЛГАНБОЕВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Қумовул» пахта қабул қилиш пунктининг коллективи янги мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Бу йил пункт хўжаликлардан 5 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олади. Йиғим-терим қизиб кетган кунларда 5—6 процентдан пахта қабул қилиб олишга улгуриш мақсадида транспортёрлар, конвейерларнинг ҳаммаси шайлаб қўйилди. Суратда: пункт механиги В. Кулясов (чапда) ва хўжалик мудири Қ. Мирзаахмедов ўртоқлар техника воситаларини сўнгги бор текширувдан ўтказмоқдалар.

1-«Далварзин» совхозининг механизаторлари пахтани машина билан терib олишга ҳар тарафлама пухта тайёрланишяпти. Механизаторлар 3200 гектар майдондаги ҳосилни «зангори кема»лар ёрдами билан йиғиштириб олишга сўз беришган. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун бир кучларига ўн кучи қўшиб ишлаяпмоқдалар. 140 терим агрегати сифатли ремонт қилинди. Суратда (чапдан ўнгга): 3-бўлимнинг механик-ҳайдовчиларидан Қ. Сангилов, А. Насриддинов, П. Бектошев, Қ. Қамбаров ўртоқлар. Улар мавсумда 80—90 тоннадан пахта терib бериш мажбуриятини олганлар.

М. НУРИДДИНОВ ва А. ТЎРАЕВ фотолари.

ЭРТАГА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Эртага мактабларда қўнғироқ чалиниб офтобда куйиб пишган, пионер лагерлари ва мароқли саёҳатлардан куч тўплаб қайтган болалар армияси парталарга ўтиради, дарс бошлаб юборади.

Мактабларда янги ўқув йили қайси жиҳатлари билан диққатга сазовор? Республика маориф министри Э. Қ. Қодиров Ўзбекистон телеграф агентлиги мухбирининг ана шу саволига жавоб берди.

Даставвал, баъзи бир рақамларни тилга олайлик. Бу йил республика шаҳар ва қишлоқларидаги кундузги ва кечки мактабларда икки миллион икки юз етмиш минг ўқувчи машғулот бошлайди. Ўтган йилдагига нисбатан ўсиш жуда катта — ўқувчилар сафига яна 147 минг бола қўшилди. Неча мингдаб ўғил ва қиз болалар мактаб қўнғироғини ўз умрида илк бор эшитади. Шу кунларда умумий мажбурий таълим ойлиги ўтказилмоқда. Вазифа мактаб ёшидаги биронта ҳам ўғил ва қиз боланинг ўқув юрти остонасидан ташқарида қолдирмаслиқдир.

Диққатга сазовор бир тафсилотга эътибор беринг: мактаб тўғрисида қонун қабул қилинганидан бери ўтган етти йил ичида бизда ўқувчилар сони қариб 840 минг кишига кўпайди. Бу — республикамиз ташкил қилинган пайтда Ўзбекистонда мавжуд бўлган ўқувчиларнинг жами сонидан ўн бир баравар ортиқдир.

120 мингдан кўпроқ педагог синфларга киради. Шулар орасида яқиндагина олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаб чиққан тўрт юз мингдан ортиқ ёш мутахассис бор. Шуниси ҳам муҳимки, сўнгги беш йил ичида олий маълумотли педагоглар сони икки ярим баравар кўпайди.

Биринчи сентябрь — мактаб байрами. Бас, шундай экан, байрам совға-саломсиз бўлмайди. Бу йил айниқса яхши совғалар ҳозирланди. Бинокорлар партия ва совет ташкилотларининг, бутун жамоатчиликнинг актив кўмаги билан республикадаги мактаблар хўжалигини кенгайтириб, қўшимча равишда 130 мингдан ортиқ ўқувчи учун жой ҳозирлаб қўйишди. Шулар орасида янги мактаблар ҳам, мавжуд мактабларнинг янгига солинган янги синфхоналар ҳам бор. Ўз маблағлари ҳисобига қўркам мактаб қуриб берган кўпгина колхозлар бизнинг моддий техника базамизни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ленинград районидаги Охунбобоев номли ва Киров номли, Пастдарғом районидаги «Москва», Оққўрғон районидаги Свердлов номли ва «Заря коммунизма», Норпой районидаги «Ўзбекистон» ва бошқа колхозлар мактаблар учун кенг ва ёруғ бинолар тайёрлаб беришди. Ўқитувчилар учун қарийб етти минг уй ремонт қилинди ва беш юзга яқин янги квартира қурилди. Лекин Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё областларидаги баъзи қурилиш коллективлари янги мактаблар қуришни ва эски мактаб биноларини ремонт қилишни кечга суриб юборишди. Улар ҳам кечикиб бўдса-да, лекин жуда керакли совғаларини яқин фурсат ичида инъом этадилар, деб умид қиламиз.

Матбаачилар мактаб ўқувчиларини хурсанд қилишди. Улар ўзбек ва қорақалпоқ мактабларига ўн миллион нусхадан ортиқ ҳар хил дарсликлар босиб беришди.

Биринчи қўнғироқ ҳали чалинган бўлмаса ҳам, педагоглар ҳозирданоқ астойдил иш бошлаб юборишди. Улар дарс жадвалларини тузишмоқда, ўқув программаларини муҳокама қилишмоқда. Ўқув планидаги баъзи ўзгаришлар ўзбек ва рус тилларини, адабиётни, математикани, физикани, тарихни ва бошқа бир қанча фанларни ўқитиш учун жуда яхши шарт-шароитлар вужудга келтирмоқда.

Шу чоққача СССР ва Ўзбекистон тарихи икки марта ўргатилар эди: еттинчи ва саккизинчи синфларда элементар курс киритилган бўлса, тўққизинчи-ўн биринчи синфларда систематик курс киритилган эди. Бир фаннинг ўзини такрор-такрор ўтиш натижасида ўқувчиларнинг шу фанга нисбатан ҳаваси сусайиб қолар эди. Энди СССР ва Ўзбекистон ССР тарихи еттинчи синфдан ўнинчи синфгача каторасига ўқитилади. Саккизинчи синфларда «Совет жамиятимиз тўғрисида сухбатлар» деган янги дарс киритилади. Биология курси тўққизинчи синфдан ўнинчи синфга ўтказилади, бу эса, биологияни химияга кўшиб яхшироқ ўқитишга имкон беради. Ўз навбатида, чет мамлакатларнинг иқтисодий географияси курси ўнинчи синфдан тўққизинчи синфга кўчирилади. Ўқув программаси ва ўқув планидаги ана шу ва шунга ўхшаш баъзи ўзгаришлар ўқитиш сифатини оширишга, ўқувчилар устига тушадиган юкламани тўғрироқ тақсимлашга даъват этилгандир.

Политехника таълимининг қўйилишида кўпгина камчиликлар бор. Политехника таълими ҳам такомиллаштирилади. Энг муҳими политехникани умумий ўқув жараёнидан ажратиб қўймаслик, балки ҳар қайси фанни, аввало физика, химия, математика, биологияни ўқитишни политехника билан пайвандлаб юборишдир. Корхоналарга қилинадиган экскурсиялар вақтида, қишлоқ районларида эса, мактаблар қошидаги тажриба участкаларида ёки далачилик бригадаларида ўқувчилар амалий билимларини чуқурлаштира оладилар. Қўйи синфларда меҳнат дарсига ажратиладиган соатлардан самаралироқ фойдаланиш лозим.

Мактабларни проекция аппаратлари, магнитофонлар ва ўқитишнинг бошқа техникавий воситалари билан яхшироқ таъминлаш машғулотлар сифатини оширишга, шак-шубҳасиз, ёрдам бериши керак. Тошкентдаги 94-мактаб яхши ташаббус кўрсатди. Бу мактабда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг кучи билан ўқитиш ва ўз-ўзини контрол қилишнинг оригинал системаси яратилди.

Халқ маорифи органлари тарбиявий иш саviясини ошириш вазифасини биринчи ўринга қўймоқдалар. Чунки тарбиявий ишни таълим жараёнидан ажратиб бўлмайди. Педагогларнинг бўлиб ўтган кенгаш ва семинарларида бир талай амалий таклифлар киритилди. Шу таклифлар амалга оширилса, ўқувчиларда коммунистик жамият кишисига хос юксак фазилатларни камол топтириш учун имконият яратилади. Яхши режалар рўёбга чиқарилиб, конкрет ишларга айлантирилмоғи керак.

(ЎзТАГ).

Тошкентдаги 78-болалар боғчаси бу йил 22 ўғил-қизни мактабга узатди. Улар 41 ва 46-мактабларда таълим олишади. Эртага минглаб ўқувчилар қатори бу ўғил-қизлар ҳам жонажон мактаб қучоғида билим олишга киришадилар. Суратда: боғчадан мактабга бораётган бир группа болаларни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ МАКТАБ

Пойтахтнинг Киров райони мактабларида янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилди. Бу мактабларда эртага янги ўқув йили зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилади.

Райондаги айрим мактаблар ўқувчилари янги совға олишди. Чунончи, 51 ва 58-мактаблар янги бинога кўчирилди.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳар иккала мактаб жойлашган бино ўқув-тарбия ишлари олиб боришга тўла жавоб беролмасди. Бундан ташқари синф хоналари етишмас, спорт зали ва ошхоналар йўқ эди.

Мана эндиликда бу мактабларда ўқув-тарбия ишлари олиб бориш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Янги мактаб биносида бу йил 800 дан ортиқ ўғил-қиз таълим олади.

С. СУЛТОНОВ.

ПЕДАГОГНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

МУРАББИЙ

Мақсуда опа талабаларни уйларига кузатиб қўйгач, ўқитувчилар хонасига қайтиб кирди. Хонада ўқитувчи ўртоқ Х. Умаровадан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У негадир ўйчан кўринарди.

— Сизни кутиб ўтиргандим, — деди у ўйманибгина. — Тўғрироғи, олдингизга маслаҳатга келгандим.

— Жуда яхши, Ҳалимахон, — Мақсуда опа меҳрибон қиёфада унга юзланди. — Айтаверинг, нима эди?

— Биласизми, мен — Ҳалима гапираолмай энтикарди, — бугун яна синфда...

Мақсуда опа ҳамма воқеадан хабари бор эди. Вали, Қўчқор деган ўқувчилар дарсга тайёрланмай келишганди. Устига-устак дарсда тўполон қилишди. Ўқитувчининг асаби бузилиб, дарснинг қандай ўтганини билмади.

Мақсуда опа гап нима ҳақида кетаётганлигини дарров пайқади. Етиги билан тушунтирди.

— Тўғри, сизга осон тутиб бўлмайди, — деди Мақсуда опа бироз ўйланиб туриб. — Ўқитувчилик қилабошлаганингизга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Лекин бундан хафа бўлманг. Ҳали тажрибангиз ортиб кетади. Аммо, бетга айтганнинг заҳри йўқ. Сиз, назаримда ўқувчиларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганга ўхшайсиз. Вали, Қўчқорлар нега тўполон қилди? Нега улар сизга қулоқ солмайди? Яна айтаман, талабчанлик етарли эмас. Болани ўз ҳолига ташлаб қўйдингизми, у билганини қилади. Гапингизга кирмайди. Бунинг учун нима қилиш керак? Болаларнинг машғулотга бўлган қизиқишини ошириш лозим. Ҳа, бу ўқитувчининг асосий вазифаси. Шунда ўқувчи дарс вақтида бошқа нарсаларга алаҳсимайди, диққат-эътиборини дарсга қаратади.

Мақсуда опанинг ажин босган нуроний чеҳрасига аллақандай илиқ табассум ёйилди. У бир нарсани эслагандек жилмайиб қўйди.

— Бир вақтлар Раззоқ Валиев деган бола қўлимда ўқиганди. Бунга чамаси ўттиз йилча бўлиб қолди. Жуда ҳам ишҳ эди у. Ёрга урсанг қўкка сачрарди. Дарс вақтида тартибга чақирсам ҳам бўлмади. Бошқача йўл тутдим. Уйига бориб, ота-онаси билан гаплашдим. Улар ҳам Раззоқдан қолиб қолишди. «Раззоқни тарбияласа бўлади, унинг идроки яхши. Тўполончилигини ташласа, ундан яхши ўқувчи йўқ» дедим. Уни чақириб олиб, бироз мақтагач бўлдим. Кейин шарт қўйдим. «Бугундан бошлаб аълочи ўқувчи Собир билан бир партада ўтирасан. Бирга дарс тайёрлайсан. Шундай қилсанг Собирга тенглашиб олишинг ҳеч гап эмас», дедим.

—Раззоқ тузалиб кетдими? — беихтиёр сўради ўқитувчи Х. Умарова.

—Тузалганда ҳам қандоқ денг, мактабни аъло баҳолар билан тугатди. Ҳозир у таниқли врач. Менга тез-тез хат ёзиб туради. Кўряпсизми, ҳамма гап болада қизиқиш уйғота билишда қолган.

Бу самимий ва фойдали сухбат ёш ўқитувчи Х. Умаровага далда берди. У кекса педагогга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Бу воқеа ўтган ўқув йилида содир бўлган эди.

Жонкуяр педагог Мақсуда Нурматовани бекободликлар жуда яхши танишади. У райондаги Навоий номли колхозда жойлашган 23-мактабда кўп йилларидан бери бошланғич синфларда дарс бериб келади.

Меҳри булоқ ўқитувчининг бой билимидан қанча-қанча ёш талабалар бахраманд бўлмади, дейсиз. Мақсуда опа ўқитувчиликни жон-дилидан севади. Йўқса, саводсизликни тугатишдек масъулиятли ишга бош қўшармиди! Янги мактаблар очишда жонбозлик қилармиди! Улуғ Ватан урруши йилларида ҳам дарс бериб, ҳам айрим етим болаларни ўз тарбиясига олди. Колхозда янги боғча очиш таклифи билан чиқди. Энг муҳими, билимга чанқоқ ёш талабаларга жон қўйдириб, кутилганидан ҳам зиёда билим берди.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси онахон педагог ҳурматини ошириб, унга олам-олам қувонч бахш этди.

— Бошланғич мактаб ўқитувчиси, айниқса биринчи синф ўқитувчисидан жуда кўп нарса талаб этилади, — дейди мактаб директори, кекса ўқитувчи И. Абдуллаев. — У дарсга тайёргарлик кўриш учун кўп вақт сарфлаши, чуқур мулоҳаза юритиши, болаларда ўзига нисбатан меҳр уйғота билиши ва машғулотларнинг жуда тушунарли бўлишига эришиши керак. Ўртоқ М. Нурматова ана шу фазилатлар тўла мужассам. У кичик шогирдларнинг фақат билимга эмас, айни вақтда маънавий маслаҳатга ҳам муҳтож эканлигини чуқур ҳис қилади.

Моҳир ўқитувчи бу йил ҳам биринчи синфга кираётган ўқувчилар билан бевосита шуғулланди. Бу болаларнинг кўпи билан таниш бўлиб қолди.

Онахон ўқитувчининг сочларига оқ оралади. Аммо, у ҳали тетик. Ахир айтишадику, меҳнат кишини қаритмайди, деб. Шу сабабли, гарчи унинг ёши пенсия ёшига аллақачон етган бўлса ҳам, ҳамон ёш талабалар билан бирга. Унинг меҳр булоғи ҳамон жўш урмоқда. Бу йил ҳам кўпгина бола унинг қўлида таълим олади.

А. АЛИЕВ.

ОТАЛИК ЁРДАМИ КУЧАЙТИРИЛСИН

Мактабларда янги ўқув йилининг бошланиши ўқувчилар ва педагоглар ҳаётида қувончли воқеадир. Соя-салқин пионер лагерлари ва майдончаларда хушчақчақ дам олган, турли саноат корхоналари, тарихий жойларга экскурсия ҳамда походларга борib қайтган ўқувчилар яхши ҳордиқ чиқариш билан бирга жонажон мактаблари учун турли гербарийлар ҳамда коллекциялар тўпладилар. Табиат гўзалликлари ва бойликлари ҳақида ўз билимларини оширдилар. Буларнинг ҳаммаси уларнинг янги ўқув йилига янги куч, янги ғайрат тўплашлари учун кенг имконият берди.

Коммунизмнинг актив қурувчилари бўлиб етишаётган ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш муҳим вазифа бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз ўқувтарбия ишларини янада яхшилаш йўлида катта ғамхўрлик қилмоқда. Шу йил 1 сентябрдан бошлаб қишлоқ жойларда ўқиётган ўқувчиларга мактаб билан уйи орасидаги маршрут бўйича юрадиган автобус ёки поездларда текин қатнаш жорий этилади. Бунинг учун колхоз ва совхозлар томонидан махсус транспортлар ажратилди.

Областимизда мактаблар сони ва уларда таълим олаётган ўқувчилар контингенти тобора ортиб бормоқда. 1965-1966 ўқув йилида умумий-таълим мактабларининг сони 805 тага етади. Булардан ташқари 12 та мактаб-интернат ишлайди. Бу тарбия ўчоқларида меҳнаткашларнинг 328 мингга яқин ўғил ва қизи таълим олади. Биринчи синфларда эса 39 минг ўғил-қиз таҳсил кўради.

Мактабдан ташқари болалар муассасаларининг сони ҳам кўпаяди. 14 та болалар музыка мактаби, 17 та спорт мактаби, 20 та пионер уйи иш олиб боради. Ўқувчилар область ёш натуралистлар ва ёш техниклар станцияларида тўгаракларга қатнашиб, фойдали ҳунар ўрганадилар.

Мактабларда машғулотларни зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбориш янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришга боғлиқ. Бу йил мактаб биноларида ўқув қуролларини ремонт қилиш ишлари анча барвақт бошлаб юборилди. Бунда, айниқса жойлардаги партия, совет ташкилотлари, колхоз, совхоз ҳамда бошқа оталик ташкилотларининг ёрдами катта бўлди. Бекобод район ва шаҳар жамоат ташкилотлари мактабларга оталик ёрдами кўрсатишда намунали ишларни амалга оширдилар. Оржоникидзе, Калинин, Янгийўл районлари, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари жамоат ташкилотлари ҳам мактаблар ишига яқиндан бош қўшдилар. Хўжаликлар кучи билан бир неча янги мактаб биноларини қурилди ва фойдаланишга топширилди. Айниқса, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк», «Полярная звезда», Бўка районидаги Ильич номли, «Ленин йўли», Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Свердлов номли ва бошқа қатор колхозлар ўз оталигидаги мактабларни сифатли ремонт қилиб бердилар. Қўшимча синфхоналар қурилди.

Шундай қилиб, хўжаликлар ёрдами билан областимиздаги 236 та мактаб биноси капитал, 550 та мактаб биноси жорий ремонтдан чиқарилди.

Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳамма оталик ташкилотлари ҳам мактабларга кўнгилдагидек ёрдам беришяпти, деб бўлмайди. Айрим район ҳалқ маорифи бўлимлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мактабларни янги ўқув йилига, айниқса қишки мавсумга тайёрлаш масаласига совуққонлик билан қарадилар. Натижада ремонт ишлари сифатсиз бажарилди. Калинин районидаги 24, Ўрта Чирчиқ районидаги 50, Оққўрғон районидаги 19-ва бошқа мактабларда дераза ва эшиклар, парта ва синфхоналар ремонт қилинмаса ҳам, «мактаб янги ўқув йилига тайёр» деган мазмунда рапортлар берилди.

Ваҳолонки, бу мактабларда ремонт ишлари сифатсиз бажарилган. Ўрта Чирчиқ районидаги 50-ва 86-мактабларда бундан икки йил олдин олинган 40 дан ортиқ парта ва ўнлаб стул синиб, нобуд бўлиб ётибди. Бундай ачинарли ҳол Оржоникидзе, Бўка районларидаги айрим мактабларда ҳам содир бўлди.

Бу йил капитал қурилиш ва резерв маблағлар ҳисобига бир неча мактаб қурилди. Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида ҳар бири 964 ўқувчига мўлжалланган 4 та, Оҳангарон поёлкасида ҳар бири 536 ўқувчига мўлжалланган иккита янги мактаб биноларини ишга туширидик. Ҳозир Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларида мактаб биноларини қурилиши давом этмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, баъзи жойларда қурилаётган мактаб биноларига қўшимча синфхоналар қурилиши жуда секинлик билан олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кўплаб қурилиш материаллари исроф бўлаяпти. Масалан, Калинин районидаги «Ленинизм» колхозида бундан бош йил муқаддам янги мактаб биноси қурила бошланган эди. Бино область колхозлараро қурилиш бошқармасининг (бошлиғи ўртоқ С. Сааков) айби билан шу кунга қадар фойдаланишга топширилгани йўқ. Шунингдек, «Интернационал» колхозида бундан уч йил олдин қурила бошланган мактаб биноси ҳамон улдасидан чиқилмаяпти. Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозида эса аллақачон ишга тушириши лозим бўлган мактаб биноси қурилиши ҳамон судралиб келади.

Бундай нуқсонларнинг содир бўлишида область ремонт қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Н. Чиргадзе) ҳам айблидир. Бу ташкилот, қурилиш материаллари етишмаяпти деган баҳона билан элликдан ортиқ қўшимча синфхоналари қурилишини ҳамон тугалдагани йўқ.

Мактаблар ва ўқув кабинетларини зарур мебеллар, лаборатория ва устахоналарни керакли жиҳоз ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик мактабларда кўргазмали ўқув қуроллари сотиб олишга ажратилган маблағлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланилмоқда.

Бу йил область мактабларига ишлаш учун олий ва махсус ўрта ўқув юртларини тугатган 500 дан ортиқ ёш ўқитувчи жалб этилади. Ана шу ўқитувчиларнинг кўпчилиги эса область ва республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтларидаги курсларга қатнашдилар.

Мактабларда янги ўқув йили бошланиши арафасида турибмиз. Эртага мактабларда машғулотлар бошланади. Мактабларда янги ўқув йилини уюшқоқлик билан бошлаб юборайлик.

И. ПАРСОЕВ.
область ҳалқ маорифи бўлимининг мудири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ТИЛБУЗАРЛАР"

Газетамизнинг шу йил 18 июль сонида босилган «Тилбузарлар» сарлавҳали танқидий мақолада Тошкент минерал суви ишшаларидейилади хатда, — этикеткадаги орфографик хатоларни бундан бўён тузатиб босиш чоралари кўрилди.

зааҳмедов имзоси билан редакция яқинда шу мақола юзасидан жавоб хати олди. Мақолада келтирилган хатолар тўғри кўрсатилган,—

орфографик хатолар танқид қилинган эди.

«Узглавпишчеснабсбит» бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ҳ. Мир-

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 31 АВГУСТ 1965 ИИЛ.

ТЕРГОВЧИНИНГ ЖАМОАТЧИ ЁРДАМЧИЛАРИ

Ўзбекистон прокуратура органларида тергов тамомланган бир қанча жиноий ишларни варақлар экансиз «жиноятни очишда тергговчининг жамоатчи ёрдамчиси қатнашди», деб ёзилган сўзларни ўқийсиз.

Бундай ёрдамчиларнинг сони 139 кишига етди ва тўхтовсиз ортиб бормоқда. Буларнинг кўпчилиги инженерлар, педагоглар, врачлар, юристлардан иборат. Булар орасида ишчилар ва колхозчилар ҳам бор. Уларни партия, комсомол ва касаба союз органлари тавсия этганлар. Улар ана шу органлар олдида жавобгардирлар. Активлар штатли тергговчиларнинг бевосита раҳбарлигида ишлайдилар.

Тергговчининг жамоатчи ёрдамчилари институтининг тузилиши маъмурий органларнинг ишларини тобора демократлаштириш йўлидаги муҳим қадамдир. Халқ дружиналарининг аъзолари каби улар ҳам ҳуқуқ-тартибларга ва социалистик қонунларга қаттиқ риоя қилиш учун курашда жамоатчиликнинг ролини оширишга ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегияси яқинда тергговчи жамоатчи ёрдамчиларининг иш тажрибаларини умумлаштирди. Бир қанча активларнинг фаолияти намуна қилиб кўрсатилди.

Тошкент областининг Юқори Чирчиқ районида педагог У. Ўтабоевнинг иши тақдирга сазовордир. Оғир жиноий иш юзасидан тергов ўтказиш вақтида унга тергов материалларидаги далилларнинг бири нақадар тўғри эканлигини текшириш топширилди. Кечаси, автобус тўхтайдиган жойдан бир аёл билан қишлоққа қараб йўл олган ва пировардида уни ўлдирган кишининг кимлигини аниқлаш даркор эди. У. Ўтабоев дружиначиларнинг ёрдами билан ана шу оғир вазифани муваффақиятли бажарди. Жиноят қилинган жойда ҳеч қандай из қолдирмаган қотил топилди ва қилмишига яраша қаттиқ жазоланди.

Самарқанд қурилиш трестининг юристконсульти О. Д. Реброва хавфли жиноятчини қидириб топиш режаларини тузишда қатнашди. Унинг берган маслаҳатлари тергов ишларида катта ёрдам кўрсатди.

Янгийўл консерва заводининг юристконсульти В. И. Попов, Пахтаорол районидаги ўрта мактабнинг педагоги М. Л. Рябова ва бошқа активлар жиноятни очишда прокуратура органларига катта ёрдам бердилар.

Жамоатчи ёрдамчилар ўз фаолияти билан прокуратура ходимларининг у ёки бу ишни пухта текширишларига кўмаклашибгина қолмай, балки жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларнинг гоят камайиб боришини таъминлайдиган чораларни ўз вақтида кўриш ишлари билан самарали шуғулланишларига ҳам катта ёрдам бермоқдалар.

Сирдарё «Облколхозстрой» трестининг прораби П. М. Шарко штатли тергговчи билан биргаликда бир тўда ўғриларни фош қилди. Бу ўғрилар орасида отаонасиз қолган ва жиноятчиларнинг тузоғига тушиб қолган бир ўсмир ҳам бор эди. П. М. Шарконинг таклифига мувофиқ, бу ўсмир кафилга олиниб, қурилиш бригадасига юборилди. Ҳозирги вақтда у яхши ўртоқлари билан бирга ишлаб, ҳалол меҳнати туфайли иззат-ҳурматга сазовор бўлди.

Тергговчининг жамоатчи ёрдамчилари жиноий ишларни текшириш натижалари тўғрисида меҳнаткашларнинг йиғилишларида ахборот бериб турадилар. Ўрта Чирчиқ районидаги бир қанча савдо корхоналарида қилинган суиистеъмоллар текшириб чиқилганидан кейин, район прокуратурасининг активларидан А. Маҳмудов ва Л. С. Тен магазинларнинг сотувчилари билан сухбат ўтказдилар. Улар анқовлик ва меҳнат интизомини бузиш социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга қандай ёрдам берганлигини кўп мисоллар билан кўрсатиб бердилар.

Ўзбекистон ССР прокуратураси коллегияси баъзи областлардаги прокуратура органлари активларга ҳали етарли эътибор бермаётганликларини, жамоатчиликни тергов ишларига суст жалб этаётганликларини қайд қилди. Баъзи жойларда жамоатчи ёрдамчиларга мустақил равишда тергов ишлари олиб бориш каби нотўғри ҳаракатларга йўл қўйилмоқда.

Жамоатчи ёрдамчиларнинг юридик билимларини доим ошириш тадбирларини кўриш прокуратура органларига таклиф этилди. Андижон ва Фарғона областларининг прокуратуралари бу соҳада яхши ташаббус кўрсатдилар. Улар ҳар ойда бир марта активларнинг машғулотларини ўтказиб, процессуал ҳуқуқ асослари тўғрисида лекция ўқийдилар, энг муҳим қарорларни тушунтириб берадилар, айрим жиноий ишларни таҳлил этадилар.

(ЎзТАГ).

ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

ШАҲАРНИНГ марказий Октябрь кўчасида янги универмаг қурилиши бошлаб юборилди. Универмаг 20 бўлимдан иборат бўлади. Қурилиш ишлари жадаллашиб кетди. Рудаки кўчасида эса 300 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси қад кўтаряпти.

ҲАВАСКОРЛАР КИНОСТУДИЯСИДА

ҚИМЕГАРЛАР маданият саройида ҳаваскорлар киностудияси иш бошлаганига ҳали уч ой ҳам бўлгани йўқ. Аммо ҳаваскорлар ана шу қисқа муддатда фильм яратиш сирларини ўрганиб олишди.

Киностудия ҳаваскорлари электрохимия комбинати ташкил топганига 25 йил тўлган кунга атаб «Чирчиқ—катта химия шаҳри», «Комбинатнинг меҳнат ветеранлари» номли ҳужжатли фильмлар устида иш олиб боришяпти.

ИШЧИЛАР ҲИММАТИ

ЭЛЕКТРОХИМИЯ комбинати ишчи ва хизматчилари ҳар йили пахтакорлар ҳузурига ёрдамга чиқиб туришади. Бу йил ҳам «оқ олтин»ни тезроқ йиғиб-териб олишда Бўка район пахтакорларига қўлларидан келганча ёрдамлашадилар. Кўни кеча комбинат старшиқ мастери Николай Гончаров бошчилигида 10 киши Бўкадаги «Ленинизм» пахта тайёрлаш пунктида бўлиб, сушилкаларни ремонт қилишда иштирок этишди, эскириб қолган деталларни янгиларига алмаштириб, сушилкаларни тахт қилиб қўйишди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Тошкент уйсозлик комбинати қувватини ошириш юзасидан катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилятпти. Янги қувватлар ишга туширилгач комбинат ҳар йили 300 минг квадрат метр ҳажмдаги тайёр уйларни ишлаб чиқарадиган бўлади. Ҳозир эса унинг қуввати 180 минг квадрат метрга тенгдир. Суратда: янги бетон узелининг қурилиши.

И. Чернов фотоси.

ҚИШЛОҒИМИЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Колхозчиларимизнинг маданий хаёт даражаси йил сайин яхшиланиб бораётир. Областимизда шундай қишлоқлар борки, уларни шаҳардан ажратиш қийин. Мен сиёсий ташкилотчи сифатида колхозчиларнинг уйларида тез-тез бўлиб тураман. Уларнинг маданий-маиший хаётн билан танишаман. Қишлоқ аҳолисининг ҳаётида рўй бераётган маданий ўзгаришларни кўриб қувонаман.

Колхоз партия ташкилоти мени колхознинг марказий участкасидаги 12 хонадонга биркитиб қўйган. Бу хонадонларда радиоприёмниклар, телевизорлар бор. Колхозчилар кечқурунлари телевизор орқали берилган ахборотлар, кинофильмларни, сиёсий ва бадиий эшиттиришларни тинглайдилар, томоша қиладилар. Баъзан эшиттиришлар юзасидан уларда саволлар туғилади. Шу туфайли ҳам турли саволлар билан менга мурожаат қилишади. Баъзан колхозчилар шундай савол беришадики, кечалари ўтириб китоб кўришга тўғри келади.

Қишлоқ қиёфаси кўз ўнгимда ўзгариб бораяпти. Колхоздаги 285 хонадон водопровод суви билан таъминланган. Яқин кунлар мобайнида ёппасига водопроводлаштириш иши тугалланади. 200 дан ортиқ хонадонда газ плиталари ўрнатилган. Колхознинг радиоузели ва телефон станцияси ишлаб турибди.

Кейинги вақтларда колхозчилар кутубхонадан олаётган китобларга қониқмай ўзларининг шахсий кутубхоналарини ташкил этмоқдалар. Колхоздаги ҳар бир хонадон газета-журнал олади.

Кўрининб турибдики, колхозчиларнинг маданий савияси ҳар қачонгидан юксак. Демак, сиёсий ташкилотчига ҳам катта талаблар қўйилади. Биз сиёсий ташкилотчилар колхозчиларнинг хоҳ сиёсий бўлсин, хоҳ иқтисодий бўлсин барча саволларига қониқарли жавоб беришимиз керак.

Баъзан у ёки бу масалаларга ёндошишда бироз қийналиб қолсак, колхозимизда доимо бўлиб турадиган район партия комитетининг инструктори Мухтор Расулевга мурожаат киламиз. Колхоз партия комитетининг секретари Бурхон Султонов, сиёсий ташкилотчилар советининг раиси Эркин Бўрибоев ўртоқлар бизларни тез-тез чақириб, тегишли йўл-йўриқлар бериб туришади. Турар-жойларда тарбиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйганлигимиз туфайли колхозимиз экономикаси йилдан-йил мустаҳкамланиб бормоқда. Йиллик пахта тайёрлаш планлари ортиги билан адо этилаяпти. Инсонга ғамхўр бўлиш, оммавий агитация ишларини яхши йўлга қўйиш муваффақиятларга эришиш имконини бермоқда.

Саидаҳмад ОРИПОВ,
Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхознинг сиёсий ташкилотчиси.

ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ КЎЗЛАБ



ЭЛ ДАСТУРХОНИГА мўл-кўл гўшт ва сут етказиб бериш иштиёқида астойдил меҳнат қилаётган олийҳиммат чорвадорлар шу кеча-кундузда қишловга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўраяптилар. «Озиқли от ҳоримас» деганларидек, чорва молларининг озуқаси қанча кўп бўлса, улардан олинадиган маҳсулот ҳам шунча кўп бўлади. Ишнинг кўзини билган чорвадорлар ана шуни назар-эътиборда тутиб, ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Оржоникидзе районидаги машъал «Қизил Ўзбекистон» колхозининг чорвадорлари ем-хашакни кўпайтиришга жиддий эътибор бераётганликлари учун ҳам йил сайин катта зафарларга эришмоқдалар. Бу йил ҳам улар чорва қишловини пухта тайёргарлик билан кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда. 200 гектарга силос учун мўлжаллаб килган маккажўхори кўкпоялари баракали бўлди. Механизаторлар ўрим-йиғимнинг дастлабки кунлариданоқ ғайрат кўрсатиб ишлай бошлашди. Мана, эндиликда силос бостириш юзасидан берилган план бажарилай деб қолди. Шу кунга қадар 6 минг тоннадан знёд силос бостирилди. Чапдаги суратда: ем-хашак жамғариш бригадаси аъзоларидан М. Собиров (чапда), М. Рексинбоев ва Ш. Шомаҳмудов ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар ем-хашак базасини мустаҳкамлашда ҳаммага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бўка районидаги 2-«Пискент» совхози 1-бўлимининг чорвадорлари ҳам қишловга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Бу ерда ҳам силос бостириш ишлари тугалланиш арафасида турибди. Пастдаги суратда бўлим даласида маккажўхори кўкпояларини ўриб олиш пайти акс эттирилган.

С. МАХОВ ва М. НУРИДДИНОВ фотолари.

ИҚТИСОДИЙ ТЕМАДА

СОЦИАЛИЗМ ҚОНУНИ

СССРДА ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ ТУФАЙЛИ ОЗОД ҚИЛИНГАН ИШЧИ КУЧИНИНГ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Техника прогресси социалистик экономиканинг тинмай юксалишини, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг янада ошишини таъминлайди. Шу билан у халқ хўжалигининг турли соҳаларида, заводлар, фабрикалар, шахталарда ишчи ва хизматчиларнинг маълум қисмини озод қилишга олиб келади.

Экономиканинг ҳар хил соҳаларида бунинг интенсивлиги бирдай эмас. Аммо унинг мавжудлиги фактдир. Масалан, кўмир саноатида 1958—1962 йилларда ёқилги қазиб чиқариш анча кўпайгани ҳолда ишчи-хизматчиларнинг сони 94,4 минг, ёғоч тайёрлашда эса 112,7 минг, торф саноатида 46,4 минг-киши камайди. Пахта тозалаш, жут-канап, озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқларидаги ишчи-хизматчилар сони анча қисқарди.

Комплекс механизация, автоматизация жорий қилинаётган корхоналарда, техника прогресси кенг кўламда амалга оширилаётган ҳамма жойда ишчи кучининг озод қилиниши — қонуний ва прогрессив воқеадир. Бу иш вақтини камайтириш ҳақидаги қонун амалга оширилаётганлигини кўрсатувчи формалардан биридир. У техника прогресси натижасида иш вақти сарфининг камайишини ифодалайди.

Капитализмда техника прогресси ишчилар бошига битган балодир. Чунки техникани жорий қилишнинг капиталистик усули ишсизлар армиясининг юзага келиши ва кўпайишига олиб келади. Расмий маълумотларга қараганда 1963 йилда АҚШ, Англия, Франция, Италия, ҒФР ва Японияда тўла ишсизлар сони 6 миллионга яқин кишини ташкил этган. Инглиз экономистларининг ҳисобларига кўра ишлаб чиқариш тўла автоматлашган тақдирда 20 йилдан сўнг бутун капиталистик дунёдаги барча ишчиларнинг ками билан 60 процентн ишсиз қолади.

Хўжаликнинг социалистик системаси ишсизликка барҳам берди. Бу жамиятда ишчи кучининг озод қилиниши аввало, **айрим** корхоналарда, **айрим** соҳаларда ёки ишлаб чиқаришнинг **айрим** участкаларида унга эҳтиёж қолмаганлигини ёки озод қилинганлигини англатади. Бундан ана шу ишчи кучини жамиятнинг тинмай ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондириш учун фойдаланилади. Шунинг учун ҳам умуман жамият масштабида халқ хўжалигида машғул бўлган кишилар сони камаймай, муттасил кўпайиб боради. Буни шундан ҳам кўриш мумкин: 1930 йилда халқ хўжалигида машғул бўлганлар сони 78,8 миллион киши бўлса, 1959 йилда у 99,1, 1962 йилда 104,5, 1964 йилда эса 107 миллион кишига етди.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз, кризисларсиз ривожланиши туфайли ҳам меҳнатга яроқли барча аҳоли иши билан тўла таъминланади. Ҳар йили СССРда юзлаб янги корхоналар қурилмоқда. Фақатгина 1959 — 1964 йилларда беш мингдан ортиқ янги йирик давлат саноат корхоналари қад кўтарди. Бу корхоналар учун юзларча минг ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар керак бўлди. Иш кунининг қисқартирилиши ҳам ишловчилар сонини кўпайтириш зарурлигини белгиловчи объектив фактор ҳисобланади.

Моддий бойлиқ яратмайдиган соҳаларни кенгайтириш ҳам иш билан тўла таъмин этилишини таъминловчи муҳим шартдир. Меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш маориф, маданият соғлиқни сақлашни янада ривожлантиришни тақозо этади. 1980 йилга келиб соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва бошқа моддий бойлик яратмайдиган соҳалардаги хизматчилар сони деярли уч баравар ортади. Ваҳоланки шу давр ичида мамлакатимизда ишловчилар сони умуман 40 процент кўпаяди, холос.

СССРда иш билан таъмин этилганлик даражасининг ошиши аҳоли даромадларининг кўпайиши билан узвий боғлангандир. Бундан ташқари иш билан тўла таъминлангандик даражасининг ўсиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ривожланишини ва шу асосда аҳолининг турмуш даражасининг ошишини таъминлайди. Чунки турмуш даражаси қанча юксак бўлса аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжи шунча юқори бўлади. Ўз навбатида бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг қудратли воситаси сифатида хизмат қилади, ишлаб чиқаришнинг юксалиши аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Демак, иш билан тўла таъминланиш проблемаси социализм шароитида ҳам сақланади. Лекин у тамомила янги мазмунга эга бўлади. У коммунистик қурилишнинг энг муҳим қонуниятларидан бири — **меҳнатга қобилиятли барча аҳолининг** ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишининг умумийлиги ва мажбурийлигини таъминлашни ифода этади. Социализмда иш билан тўла таъмин этилганлик проблемасининг моҳияти барча меҳнатга қобилиятли аҳолидан **рационал** фойдаланиш, уй-рўзғор ва шахсий хўжаликда машғул бўлган ишга қобилиятли кишиларни ижтимоий меҳнатга **максимал** жалб этишни таъминлаш, меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг рационал структурасини (тармоқлар ва иқтисодий районлар бўйича), уларни халқ хўжалиги манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қайта тақсимлаш ва қайта тайёрлашнинг планли равишда бўлишини таъминлашдан иборат.

В. ЯГОДКИН,
И. МАСЛОВА,
экономистлар.
(АПН).

ОҲАНГАРОН ТОШКЕНТ РАССОМЛАРИ ТАСВИРИДА

Ўзбекистон ССР халқ рассоми В. И. Уфимцев номидаги Оҳангарон шаҳар суратлар галереясида яқинда Тошкент рассомларининг виставкаси очилди. Виставкага Ўзбекистон рассомларининг 100 дан ортиқ энг яхши асарлари қўйилган.

Виставканинг катта қисмини тошкентлик рассомларнинг Ўзбекистон кочегаркаси — Оҳангарон шаҳри меҳнаткашларининг ҳаёти ва меҳнат фаолиятини акс эттиришга бағишланган суратлари ташкил этади. Айниқса отоқли рассомлардан В. И. Уфимцевнинг «Бизнинг Оҳангаронга келинг», Ў. Тансиқбоевнинг «Оҳангарон дарёси», Г. П. Шполянскийнинг «Оҳангарон кўмир разрези», Э. Қаландаровнинг «Кўмирни очиқ ҳолда қазиб олиш» каби суратлари кишн диққатини ўзига тортади.

Виставкада булардан ташқари йирик полотнолар, сатирик суратлар, она диёримизнинг бойликлари ва гўзалликларини мадҳ этувчи асарлар қўйилган. Виставка шаҳар аҳолисига манзур бўляпти.

Т. СОЛИЕВ.

БАЙРОҚДОРЛАР

Тошкентдаги ипак-йигирув фабрикаси коллективини саноатчиларимиз шундай деб аташади. Бу жуда тўғри баҳо. Иш жараёнларини муттасил такомиллаштираётган, илғор методларни кенг қўлланаётган ипак йигирувчилар етти йилликнинг сўнгги йилида ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритмоқдалар. Ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан адо этмоқдалар.

Фабрика меҳнатсеварлари шу йилнинг биринчи ва иккинчи кварталларида республика саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада энг яхши натижаларга эришдилар. Шунинг учун ҳам уларга икки квартал давомида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Қўлга киритилган ана шундай ютуқларни мустаҳкамлашга астойдил бел боғлаган коллектив янги-янги зафарларга эришмоқда. Шу йилнинг саккиз ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан бир ҳафта илгари тўла бажарилди. Олинаётган ипакнинг сифати ҳам бирмунча яхшиланди.

Бундай ютуқларга эришишда Собир Норматов, Саттор Жабборов ўртоқлар бошчилигидаги бригада аъзолари, навларга ажратувчи Александра Ким, электр пайвандчи Шмидт ва бошқа ўнлаб ишчиларнинг ҳиссаси каттадир. Бу бригада ишчилари бошқаларга ўрнак бўларли даражада меҳнат қилишди. Топшириқни муттасил зиёдаси билан адо этишмоқда.

Коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олиш иштиёқида ғайратга-ғайрат кўшиб меҳнат қилаётган фабрика коллективи иш суръатини янада ошираяпти. Ипак йигирувчилар ой охиригача яна планга қўшимча равишда 50 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ваъдаларини ҳам шараф билан бажаришди.

ОЗОДАЛИК ВА САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

АРИҚЛАРНИ БУЛҒАТМАНГ

Бу йил Ўрта Осиёда ёз жуда иссиқ келди. Баъзи кунларда иссиқлик даражаси, ҳатто салқин жойда ҳам 40 дан ошиб кетди. Ана шундай ёз кунларида кишига ҳузур бағишлайдиган ям-яшил дарахт ва уйлар, шунингдек сувнинг аҳамияти жуда катта. Улар иқлимни анча совутиб, иссиқлик таъсирини енгиллаштиради.

Маълумки, республикамиз шаҳар ва қишлоқлари катта бир боғни эслатади. Бу кўп жиҳатдан доимо тиниқ муздек сувлар оқиб турадиган катта ва кичик ариқларга ҳам боғлиқдир. Лекин, шаҳарлардаги ариқларнинг кўпи тўғрисида бундай деб бўлмайди. Кўп жойларда ариқлар мағзава ҳамда ахлат ташланадиган жойга айланиб колган.

Бундан ташқари ариқларимизда жуда кўп тарвуз ва қовун пўчоқлари, олма ва бошқа мева сабзавот чиқиндиларини учратасиз. Баъзи жойларда эса ариқлар уй канализацияси учун хизмат қиляпти. Масалан, пойтахтимизнинг Шаҳрисабз кўчасидаги 26-уйда худди шу ярамас ҳолни кўриш мумкин. Бу уйда яшовчи кишилар кўп йиллардан бери кир ва идиш-товоқ ювилгандан сўнг ифлос сувни ариққа ағдаришга одатланиб қолганлар.

Энгельс кўчасидаги ариқ ҳам шундай аҳволга тушиб колган. Шу кўчада жойлашган 35-уй эгалари «бизнинг бошқа жойимиз йўқ» деб ифлос сувни ариққа бемалол тўкаяптилар. Бундай қилиш мумкин эмаслигини ҳамма яхши билади, албатта. Лекин бепарволик оқибатида бу иш ҳамон давом этяпти.

Шундай кишилар борки, кўчани тоза ва озода тутиш менинг ишим эмас, деб ўйлайди. Ҳолбуки, шаҳримизнинг кўркамлиги, аввало, уй ва кўчаларнинг, ариқ ва ҳовузларнинг тозалигига боғлиқ. Кишиларимиз саломатлиги ҳам шу туфайлидир.

Агар ҳам уйда, ҳам кўчада тозаликка риоя қилинмас экан турли касалликларнинг тарқалиши учун қулай шароит вужудга келтирилган бўлади. Ифлослик туфайли касал тарқатувчи пашшалар кўпайиб кетади. Дизентерия, қорин тифи ва паратиф сингари касалликларнинг кўпинча ёз вақтида тарқалишига ҳам сабаб шудир.

Шаҳримизнинг кўпчилик аҳолиси буни яхши тушунади. Масалан, Новомосковская кўчасидаги 20-, 21-, 23-уйда яшовчи кишилар ўз ҳовлиларини гулзорга айлантирдилар. Урицкая кўчасидаги кўп қаватли уй аҳолиси ҳам ўз ҳовлисини ободонлаштириб, бошқаларга намуна кўрсатаяпти.

Бундай кўча ва ҳовлилар сони тобора кўпаяверсин. Доимо тозалик қоидаларига риоя қилайлик, олдимиздан оқиб ўтадиган ариқ суви доимо тоза бўлсин.

Н. КРАВЧЕНКО,
врач.



Республикамизда ўтаётган озодалик ва саломатлик ойлиги муносабати билан кўчалар, ҳовли, хиёбон ва майдонларни тоза, обод ва кўркам қилишга катта эътибор берилмоқда. Пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчаси ҳам кейинги вақтларда хушманзара ва озода кўчалардан бири бўлиб қолди. Суратда: кўчанинг вокзал яқинидаги қисми қиёфасини кўриб турибсиз.

А. Заблоцкий фотоси.

СОҒЛИҚҚА НИМА ЕТСИН

Буларнинг ичида касаллик туғдирувчи патоген деган микроблар ҳам борки, улар ҳар қандай соғлом кишиларни ҳам касалга дучор қилади.

Улар асосан, ҳавода, тупроқда, сувда, одам организмида, кийим-кечакларда, ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларида ва ҳўл меваларда жуда кўп учрайди.

Касаллик тарқатувчи микроблар ҳамма тирик организмлар каби озиқланади, ўсади ва кўпаяди. Бу процессларнинг ҳаммаси, албатта тайёр тирик организмларнинг ҳисобига бўлади. Уларга шундай қулай шароитни пашшалар яратиб беради. Айниқса, уй пашшалари бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши натижасида кишини заҳарловчи микробларни вужудга келтиради.

Шу учун ҳам ҳар бир отаона болага берилиши лозим бўлган ўйинчоқларнинг тоза бўлиши, мумкин қадар озода жойларда ўйнашга имконият туғдириши лозим. Ҳўл меваларни эса, иссиқ сувларга яхшилаб чайиб бериш маъқул.

Болаларни, умуман ёшлигиданоқ озодагарчиликка, овқатдан олдин қўлларини совун билан яхшилаб ювиб, сўнг ўзи учун ажратилган жойда овқатлантиришга одатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Биз кўча ва уйларимизнинг гигиена ҳолатини яна ҳам яхшиласак, фарзандларимиз яна ҳам соғлом ва тетик бўлиб ўсадилар.

Б. ТОЛИПОВ,
Ботаника институтининг илмий ходими.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ кўргазмалар залида қозоқ рассомлари асарлари экспозицияси ташкил қилинди. Суратда: «Қозоғистон» виставкасида.

Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

✦ 6-қурилиш трестининг бинокор ва монтажчилари Авангард посёлкасидаги 11-автобаза учун 350 та автомашина сиғадиган гараж қуриб беришди.

С. МУРТАЗОЕВ.

✦ «Чаноқ» совхозининг маркази тобора ободонлашиб ва гўзаллашиб боряпти. Бу ерда яқинда битта ўрта мактаб биноси, болалар яслиси, ўнлаб янги типовой уйлар фойдаланишга топширилди. Беш хонали маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйи ҳам ишга тушиш арафасида турипти.

Ф. БОҚИЕВ.

✦ Бўкадаги Керовчи қишлоғи тўла телефонлаштирилмоқда. «Гулистон» колхозининг ўзида 27 та точка ишлаб турипти. Калинин ва Ленин номли колхоз аъзолари билан ҳам телефон орқали сўзлашиш мумкин.

Х. НОРМАТОВ.

✦ «Кўк орол» совхозида 400 бош қорамолга мўлжалланган янги молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

М. СУЛТОНОВ.

✦ «Назарбек» совхозининг иккинчи бўлимида янги 60 ўринли болалар боғчаси кичкинтойларга қучоғини очди.

О. ҒОФУРОВ.

ФУТБОЛ

ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Москва торпедочилари учун мамлакат чемпионатининг биринчи ўйнигина кўнгилсиз бўлган эди. Бу 15 апрелда бўлган эди. Шундан буён утган 19 турда торпедочилар мағлубият нималигини билмай келишаётган эди. Лекин ўтган якшанба куни автозаводчилар иккинчи бор «ноль» билан тақдирландилар. Москва динамочилари пешқадам дарвозасига шундай шиддатли ҳужум қилдиларки, «Торпедо» ҳимоячилари шошиб қолишди. Дарвозабон А. Кавазашвили саккиз минут ичида тупни дарвозадан уч марта олиб чиқишга мажбур бўлди. Торпедочилар танаффусдан кейин атиги бир мартагина тўп кирита олдилар. Ўйин 3:1 ҳисобида «Динамо» командаси фойдасига ҳал бўлди.

Бир кун аввал Москвада бўлган ўйинда Киев «Динамо»си пойтахт спартакчиларини 2:0 ҳисобида енгди. Бу йилги СССР кубоги эгалари сурункасига тўрт ўйинни ютқаздилар. Бунинг устига улар бу матчларда рақиблар дарвозасига битта ҳам тўп уролмадилар.

Умуман кейинги турда «Динамо» командаларининг омади келди. Чунончи, Минскнинг «Динамо» футболчилари Одесса шаҳрида маҳаллий армиячиларни 3:1 ҳисоби билан енгдилар. Бокуда ўйнаган Тбилисининг «Динамо» футболчилари эса «Нефтяник» билан дуранг қилдилар. Ҳисоб 0:0. «Крилья Советов» «Зенит»ни 2:1 ҳисобида ютди.

Кутаиси автозаводчилари «А» классининг юқори лигасини ташлаб кетишни ўзларига сира эп кўрмаяптилар. Шунинг учун улар энди ҳеч бир рақибни «аяб» ўтиришаётгани йўқ. ЦСКА билан бўлган матчда ҳам шундай қилишди. Пешқадамлардан бири бўлиб келаётган Москва армиячилари Кутаисида 2:4 ҳисобида енгилдилар. Ҳозир Кутаиси «Торпедо» командаси 13 очкога эга бўлиб, унинг ҳавфли зонадан чиқиб олиши учун яна уч очко етмай турибди, холос.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН" ВА ВИДЕОТЕЛЕФОН

Телевиденининг имкониятлари жуда ҳам кенгайиб борялти. Саноқли ойлардан сўнг Москва телевидение студиясининг эшиттиришларини кўришимиз мумкин.

Тошкент телевидение студияси қишлоқ хўжалик бўлимининг ташаббуси билан яқинда Тошкент ва Андижон шаҳарлари ўртасидаги кўриб гаплашадиган телефондан фойдаланилди. Эшиттиришнинг бу қулай усули «Олтин водий» деган тележурналда биринчи бор синовдан ўтди. Кўриб гаплашадиган телефонда Андижон область партия комитетининг секретари ўртоқ У. Абдураҳимов область пахтакорларининг пахта йиғим-теримини қандай кутиб олаётганликлари ҳақида сўзлаб берди. Тасвир ва овознинг аниқ, беками-кўст бўлишига эришилди. Бунда республика Алоқа министрлигига қарашли радиорелейная станциясининг старший инженери С. Злотников, Тошкент телевизион маркази бошлиғининг ўринбосари инженер А. Тўлганов ҳамда Андижон алоқачиларининг хизмати катта бўлди.

Телевидение навбатдаги эшиттиришларда Тошкент-Фарғона ва Тошкент-Самарқанд ўртасидаги видеотелефонлардан ҳам фойдаланади. Энди «Занғори экран» орқали илғорларнинг чиқишини ташкил қилиш учун уларни олис жойлардан Тошкентга чақириб ўтиришга ҳожат қолмайди.

М. СОАТОВ.

Дунё воқеалари

ПЛАНЕТА ОВОЗИ

ЖАҲОН ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ВИЗИТИ

Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носир 27 августда расмий визит билан Совет Иттифоқига келди. Совет кишилари дўст араб давлатининг бошлиғини самимий кутиб олдилар ва янги ҳаёт қуриш йўлидан бораётган Миср халқини Жамол Абдил Носир орқали табрикладилар.

Бирлашган Араб Республикасининг жамоат-илиги ва Қоҳира матбуоти Президент Носирнинг Совет Иттифоқига қилган бу сафарига катта эътибор бермоқда. Улар Москвадаги учрашув ва музокаралар СССР билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ердам беради деб ишонч билдирмоқдалар. «Бизнинг Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз, — деб ёзади «Алжумҳурия» газетаси, — янги фабрика ва заводлар қурилиши майдонларида, баланд Асвон тўғони қурилишида ўсди ва мустаҳкамланди. Совет Иттифоқи билан Миср ўртасидаги дўстона алоқалар мамлакатларимизнингина эмас, балки бутун дунёнинг ҳам манфаатларига муносибдир».

Империалистлар ва реакционерлар Қоҳира билан Москва ўртасида алоқа ўрнатилишига йўл қўймаслик учун тўсиқ ва ғовларни вужудга келтиришга зўр бериб уринган эдилар. Миср халқи чирик монархия режимини тўлатиб, ўз ватанининг тақдирини ўз қўлига олганидан кейин бу ғовларга барҳам берилди.

1956 йил кузида Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган агрессияси Миср Республикасининг мустақил давлат сифатида яшовини хавф остида қолдирган эди. Совет Иттифоқининг қатъий позицияси Миср халқининг ана шу хатарли кунларда агрессияга бардош бериши учун имконият туғдирди. Совет Иттифоқининг дўстона мадади Мисрнинг иқтисодий қамал қиқаларини парчалаб ташлашига ёрдам кўрсатди. Американлик мустаҳланачилар ана шу иқтисодий қамал воситаси билан Мисрни бўғиб қўймоқчи бўлган эдилар. Мисрнинг СССР билан ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорлиги миллий экономикани ривожлантириш учун жуда катта имкониятларни вужудга келтирди.

Нил водисининг қиёфаси ўзгармоқда! Янги фабрика ва заводларнинг корпуслари, электр станциялари, мактаб, касалхоналар бирин-кетин қад кўтармоқда, шаҳарлар кенгайиб обод бўлмоқда, ер ости ўз сирларини очиб бермоқда. Чет эл буржуазияси ва Мисрдаги йирик буржуазиянинг национализация қилинган саноат корхоналари, компаниялари ва банклари негизида давлат сектори вужудга келтирилди. Давлат сектори ҳозирги вақтда саноатда, ташқи савдо ва транспортда асосий ўринни эгаллади. Чўлларда янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги учунгина эмас, балки бутун мамлакатнинг ҳаёти учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган ирригация системаси кенгайтирилмоқда.

Бирлашган Араб Республикасининг информация департаменти 1952 йил 23 июль революцион тўнтаришидан кейин ўтган йигирма йил ичида республиканинг эришган муваффақиятларига бағишланган тўпламни яқинда босиб чиқарди. Бу тўпламдаги рақамлар диққатга сазовордир. Республиканинг миллий даромади 1952 йилдан тортиб 1964 йилгачэ 806 миллион миср фунтидан 1 миллиард 800 миллион фунтгача ортди. Саноат ишлаб чиқариши 314 миллион миср фунтидан 1 миллиард 114 миллион фунтгача кўпайди. Кейинги саккиз йил ичида Бирлашган Араб Республикасида 800 фабрика, завод ва бошқа саноат корхоналари қурилди, даштларда 700 минг феддандан кўпроқ (300 минг гектардан ортиқ) ер ўзлаштирилди. 250 минг деҳқон хонадони давлатдан 650 минг федданга яқин ер олди. Маориф эҳтиёжларига қилинаётган ҳаражатлар тўрт баравар кўпайди, 1961 йилдан буён бепул ўқиш жорий қилинмоқда. Касалхона ва амбулатория шохобчалари анча кенгайди.

Аммо шундай бўлса ҳам Нил дарёсининг биринчи бўсағаси ёнида Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган баланд Асвон тўғони Мисрнинг ифтихори бўлиб қолмоқда. Жуда катта қурилиш майдонида 25 мингга яқин киши, шу жумладан бир мингдан ортиқ совет мутахассиси ишламоқда. Тўғон қурилишидаги ишлар графикда кўрсатилганидан ҳам жадал суръатлар билан бормоқда. Ана шу азим тўғон сув сатҳидан ўттиз метр баланд кўтарилиб, Африкадаги буюк дарёнинг сувини тўсиб қўйди. Нил дарёси ўзининг бутун тарихида биринчи марта инсоннинг ҳохиши — иродасига бўйсунди. Илгари тошқин пайтида води сув остида қолиб кетар эди, эндиликда бу дарё жуда кўп каналлардан оқиб, бутун йил бўйи ҳаётбахш сувидан баҳраманд қилмоқда.

Кишиларнинг меҳнатдаги қардошларча бирлиги, Совет ва миср биноқорларини бир-бири билан боғлаган мустаҳкам дўстлик, совет мутахассисларининг тажрибаси ва билимига чуқур ҳурмат Асвон тўғонининг қурилиш майдонида жуда яқол намоён бўлмоқда. Совет мутахассислари Африканинг жуда иссиқ иқлимида фидокорона меҳнат қилиб, ғина қолмай, балки миллий мутахассислар — техника кадрларини тайёрлашда ҳам Бирлашган Араб Республикасига ёрдам бермоқдалар. Президент Носир Нил дарёси тўсилган унутилмас кунда — 1964 йил 14 майда бундай деган эди: «Миср халқи тўғон қурилишида ўз қардошлари бўлган мисрликлар билан биргалиқда ишлаган совет инженерлари ва ишчиларининг меҳнатсеварлиги ва сабр-тоқати, матонатини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Улар ўзлари кўнникмаган иқлим шароитларида муъжиза яратдилар».

Миср халқи совет халқи билан дўстликка, мамлакатимизнинг Бирлашган Араб Республикасига кўрсатаётган ёрдамига юксак баҳо бермоқда. Миср халқи совет кишиларига нисбатан дўстлик туйғуларини, Совет ҳукуматидан миннатдорчилигини изҳор қилмоқда. Яқин Шарқ мамлакатларига бориб, Қоҳирада ёки Порт-Саидда, Асвонда ёки Искандарияда оддий кишилар билан учрашиб суҳбат қилганингизда доим ана шундай дўстлик туйғуларини яққол кўрасиз.

Чомбенинг Европа сафаридан кузатган мақсади нима?

Ҳозирги Леопольдвиль режимининг бошлиғи Чомбенинг Европа мамлакатлари пойтахтларига қилган сафари яқинда тамом бўлди. Чомбе бу сафар Ғарбий Германия, Бельгия ва Францияга борди.

Аввало, у, Брюсселни «зиёрат» қилди. Ахир, «Юнион миньер» деган жуда катта кончилик компаниясининг штаб-квартираси Бельгия пойтахтида жойлашганлиги бечиз эмаску. Бу компания Бельгия пойтахтида туриб Катангада хўжайинлик қилмоқда. «Юнион миньер» компаниясини Конго фожиасининг асосий айбдори деб айтиш учун тўла асос бор. «Юнион миньер» компанияси Конгода ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш режаларини амалга оширувчи шахс сифатида Моиз Чомбени танлаб олди. Моиз Чомбе журналист бўлиб ишлаган пайтдаёқ компания Бельгиянинг махфий хизмат бўлими орқали уни ўз гирдобига тортди. Чомбе янги кўрсатмалар ва кўп миқдорда пул олиш учун Бельгия пойтахтига тез-тез бориб турибди. Конго халқининг кейинги йилларда бошдан кечирган бутун азоб-уқубатлари Чомбенинг номи билан ва унинг «Юнион миньер» компаниясидаги хўжайинларининг номи билан боғланган.

Чомбе Брюсселда министрлар билан, Бельгиядаги энг йирик трестларнинг, шу жумладан «Юнион миньер» компаниясининг раҳбарлари билан, банкирлар билан музокаралар олиб борди. Чомбе ва унинг ҳомийларидагиларни ёзди: Чомбенинг Брюлселда олиб борган музокаралари «Бельгия империалистлари иқтисодий соҳада ҳам, ҳарбий соҳада ҳам Конго ишларига кенг кўламда аралашмоқда», деган хулосани чиқариш учун асос беради.

Ғарбий Германиянинг ҳукмрон доиралари ҳам Конго масалаларини «яхши тушуниб олдилар». Чомбе Брюсселдан Ғарбий Германияга келди. Бу—Чомбенинг кейинги тўқнаш ой ичида Рейнга қилган учинчи сафаридир. Бонн ўз капиталлари билан ва собиқ эсэсчилар ҳамда нацистлардан иборат сотқин кишилар билан Чомбега катта ёрдам кўрсатмоқда. Ғарбий Германиядаги янги мустамлакачилар бунинг эвазига Конгонинг табиий бойликларидан фойдаланишда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишга зўр бериб уринмоқдалар.

Чомбе, менинг режимим Германия Федератив Республикасининг саноатчиларига Конгода «кенг йўл очиб беради», деб ваъда қилди. Жумладан, у, ўзига қарз берадиган Ғарбий Германия капиталистларининг Конго экономикасига сарфлаётган капиталн уларга жуда кўп фойда келтиришини таъминлайман, деб ваъда берди. Бонн шундай ваъдаларни олгач, Чомбега 10 миллион марка қарз беришга «астойдил рози бўлганлиги»ни билдирди.

«Ҳайри эҳсон» олаётган Чомбе бу маблағлар «экономикани тиклаш учун» зарур деб даъво қилади. Конгода чет эл монополияларининг ҳукмронлиги мамлакатнинг экономиласини халокат ёқасига келтириб қўйди. Мамлакатда инфляция, спекуляция авж олиб кетган, ҳамма жойда қашшоқлик ва бошбошдоқлик ҳукм сурмоқда. Шу йилнинг 6 ойи мобайнидагина дефицит бениҳоя ортиб, 11 миллиард Конго франкини ташкил этди. Конгонинг ер ости бойликларини ҳали ҳам талон-торож қилаётган кон-руда компаниялариғина роҳат-фароғатда яшамоқдалар. Масалан, «Юнион миньер» компанияси 1964 йилда 3 миллиард 390 миллион Бельгия франки миқдорида фойда олди. Бу компаниянинг Чомбе армияси ва Бельгия ҳарбийлари қўриқлаётган корхоналари Катангада жанг бўлиб турган пайтда ҳам ўз ишларини давом эттирди. Бошқа бир компания—«Форминьер» компанияси эса, мамлакатда қанча олмос чиқариб олаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳатто Леопольдвиль мазмурларига хабар қилишни ҳам ўзи учун эп кўрмайди.

Чомбе ваъда қилинган ёрдам маблағларидан мамлакат аҳволини яхшилаш учун фойдаланиш ниятида эмас. Бу маблағларнинг асосий қисми армияни таъминлаш ва Чомбенинг сиёсий найранглариға бўладиган ҳаражатларни қоплаш учун сарф қилинади.

Гап шундаки, бош министр Чомбе билан ҳозирги президент Касавубу ўртасида шу йилнинг охирида ўтказиладиган сайлов олдидан президент мансабини эгаллаш учун қизғин курраш бошланди. Янги конституцияга мувофиқ, ижроия ҳокимият асосан президент ихтиёрига топширилади. Президент бош министрларни ишдан олиб, янгиларини тайинлай оладн. Шу сабабли, Чомбенинг хўжайинлари, асосан Бельгия компаниялари ўз гумаштасининг президент бўлиб қолишига ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга, таъсири кучли бўлган бошқа бир группа Касавубуни қўллаб-қувватламоқда. Чет эл матбуотининг хабарларига қараганда, бу группа «Юнион миньер» группаси билан рақобат қилмоқда ва Америка доиралари билан боғланган. Рақобатчилар ҳар хил найранг ишлатаётган бу курашда турли монополистик бирлашмаларнинг Конгода ҳукмронлик қилишга интилаётганликлари яққол кўринib турибди. Чомбенинг Европага қилган сафари кучайиб бораётган сиёсий найрангларнинг таркибий қисмидир.

Рақиблар ўз мақсадларига эришмоқ учун ҳар қандай воситаларни ишлатмоқдалар. Масалан, Чомбе 9 министрлик лавозимини — ҳукуматдаги барча министрликларнинг ярмини ўз ихтиёрига олди. У ҳар хил найранглар ишлатиш йўли билан ўз масландошларининг парламентдаги ўринларнинг учдан икки қисмини эгаллашига муваффақ бўлди.

Чомбенинг Европага қилган кейинги сафари вақтида уни намойишкорона қўллаб-қувватлаганликлари Касавубунинг Чомбе билан курашда мағлубиятга учраш эҳтимоли борлиги ҳам очиқ кўрсатади. Қўшимча равишда олинадиган ёрдам пули Чомбенинг «шахсий хизмати» деб таъкидланмоқда. Чомбе хомийларининг фикрича, бу қарзлар Конгода Чомбенинг обрўсини нўтариш ва сайловларда ғалаба қозонишига бўлган умидни ошириши керак. Чомбенинг сиёсий найранглари барбод бўлган тақдирда, Брюсселда ишлаб чиқилган ва амалда синаб кўрилган тадбир ишга солинади. Бу тадбир Катангани Конгонинг бошқа қисмларидан ажратиб олишдан иборат. Катангада қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Чомбе Германия Федератив Республикаси ва Бельгиядан ташқари Францияга ҳам борди. Чомбе Франция «докторлар кўригидан ўтган» деган фикрлар айтилмоқда. Бу «кўрик»нинг натижалари тўғрисида хабар берилмайди. Аммо, Чомбенинг «касали» нимадан иборат эканлиги маълум. Бу «касаллик» халққа кнёнат ва сотқинлик қилишдан ҳамда чет эллардаги ўз хўжайинлари олдида таъзим билан лаганбардорлик қилишдан иборат.

А. СТУПАК,
В. КУЗНЕЦОВ.
(ТАСС).

«ЖЕМИНАЙ-5» СУВГА ҚУНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 август (ТАСС). Американинг космонавтлар Гордон Купер ва Чарльз Конрад тушган «Жеминай-5» космик кемаси космосда учишни муваффақиятли тамомлади ва Атлантик океанда Бермуда оролларининг тахминан 250 миля ғарбий-жанубида сувга қўнди.

Америка космонавтлари 21 августдан бошлаб космосда салкам саккиз кун бўлиб, Ер атрофини 120 марта айланиб чиқдилар ва шу тариқа одамнинг космик фазода узоқ вақт бўлишининг янги рекордини қўйдилар.

«Жеминай-5» Москва вақти билан соат 15-55 минутда Флориданинг тахминан 800 миля шарқида сувга кўнди. Авианос «Лейк Чэмплейн», эсминец, самолётлар ва вертолётлар космик кемани қўнган жойга дарров ўраб олдилар. Космонавтлар Гордон Купер ва Чарльз Конрад сувга қўнганларидан кейин орадан бир соатдан сал кўпроқ вақт ўтгач, уларни вертолёт сувдан олиб авианосга элтиб қўйди. Америка информация агентликларининг хабарларида айтилишича, космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

КАМБОДЖА УСТИДА ШИКАСТЛАНТИРИЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Пном-Пенданн хабар беради: Таиланд бом бардимончи самолётларидан иккитаси Камбоджа ҳаво чегараларига бостириб кириб, давлат бошлиғи Нородом Сианукнинг Батамбанг вилоятидаги дачаси устидан учиб ўтаётганида Камбоджа зенитчилари бу самолётларни шикастлантирдилар.

Таиланднинг шикастланган самолётлари Таиланд-Камбоджа чегараси томон учиб кетдилар.

ЯПОНИЯ РАКЕТАСИ

ТОКИО, (ТАСС). Бугун Токио университетининг Утиноурадаги (Кагосима префектураси) аэрокосмик илмий-тадқиқот марказида «Каппа 10-С-1» маркали уч босқичли ракета муваффақият билан учирилди, деб хабар беради Киодо Цусин агентлиги. Ракетанинг учинчи босқичи 25 килограмм оғирликда бўлиб, ўзи думалоқ шаклда, унинг ичига ҳар хил илмий ҳамда телеметрик аппаратлар жойлаштирилган.

1967 йилда Ернинг биринчи Япон сунъий йўлдошини учиришга тайёргарлик кўриш мақсадида ана шу ракета синов тариқасида учириб кўрилди.

ПОЕЗДЛАР ТЎҚНАШИБ ҚОЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Шампоньолн яқинида (Шарқий Франция) пассажир поездлари тўқнашиб қолганлиги натижасида 13 киши ўлди ва 40 киши ярадор бўлди.

ОЛТИ ЭГИЗАК

ЛОНДОН, 30 август (ТАСС). Бразилиянинг Амазонка ва Акра штатлари чегарасидаги Умаита шаҳридаги каучук плантациялари ишчиларидан бирининг хотини бир йўла олтита бола туғди. Рейтер агентлиги мухбирининг Рио-де-Жанейродан хабар беришича, кўзи ёриган аёл ва эгизакларнинг ҳаммаси ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Гонконг — Буюк Британиянинг Хитой шарқи-жанубидаги колониясидир. Бу ерда асосан хитойлар яшайди. Улар кемасозлик ва цемент заводларида, тўқимачилик корхоналарида, порт ва шахталарда ишлашади, аэропортда хизмат қилишади, балиқ овлашади. Колония меҳнаткашларининг турмуши жуда оғир. Ҳар бир оиланинг тоғдаги болалар учун кийим-кечак олишга ҳам етмайди. Шаҳар чеккасидаги тор ва нфлос жойларда яшаш учун ҳам катта пул тўлашга тўғри келади. Суратда: камбағаллар яшайдиган кварталда.

НТБ—ТАСС фотоси.

РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР • РЕКЛАМА • ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.25 — **Боғча ниҳолларини мактабга йўлламоқда.** 18.45 — **Эртага мактабга** (Марказий телестудия постановкаси).

19.15 — **Эртага экранда.**

Ўзбек тилида: 19.20 — **Телевизион янгиликлар.** 19.40 — Э. Воҳидов. **Нидо** (телекомпозиция). 20.10 — **Кама соҳиллари ўзгармоқда.**

20.40 — **Ўқитувчилар учун концерт** (ўзбек, рус тилларида).

Рус тилида: 22.00 — **Вальтер Френцель** номли телевизион бадиий фильмнинг I-серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Уртоқжон, Жўянда нима ўсди, Ялқов болалар** (расмли ҳикоялар). 18.35 — **Тошкент янгиликлари.** 18.45 — **Момиҳча** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 19.05 — **Умр бўйи** (ҳужжатли фильм). 19.15 — **Тошкент янгиликлари.** 19.25 — **Узбекистон кулолчилиги.** 19.50 — **Бир йиллик сабоқ** (ҳужжатли фильм). 20.10 — **Севгининг қадрига етиш керак** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Марш! Марш! Тра-та-та! — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бўлажак кўча — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бизнинг дунёнинг тугаши — САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Симладаги севги — (эрталаб соат 10-10 минутда), **Муюлишдаги хона** — (кундуз 4 ва 5-40 минутда), **Сурайё** (кеч 7 яримда) — НАВОИЙ номли.

Жаҳаннамдан чиққан янги иблис — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 яримда бошланади)

«Ы» операцияси ва Шурининг бошқа саргузаштлари — ПУШКИН номли.

Бизнинг дунёнинг тугаши — «ФЕСТИВАЛЬ».

Тоғлик қасоскорлар — КАФАНОВ номли.

Жаҳаннамдан чиққан янги иблис — «ВАТАН».

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА

31 августда

УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ФАХРИДДИН УМАРОВ

иштирокида

катта концерти

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 1 дан очилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 4, 5 сентябрда

Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти

Комилжон Отаниёзов

раҳбарлиги ва иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Солистлардан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Жуманиёз Собиров, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Раъно Жуманиёзова, Отаназар Абдалниёзов, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ДАВЛАТ ПОДШИПНИК ЗАВОДИГА

ускуна ремонт қилувчи слесарлар, сантехника слесарлари, электромонтёрлар, универсал токарлар, операционник-токарлар, шлифовкачилар, прессчилар, ёрдамчи ишчилар, юкчилар, ОТК контролёрлари, металлшунос-термист, инженер-металлург, мастер-энергетик, заточниклар, хромировкачилар, токарь шогирдлари, шлифовкачилар, прессчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 106-уй (10, 11, 14-автобус, 6-троллейбуснинг «Қизил партизан» остановкаси). Телефон 4-08-33.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

механика-математика факультети кечки бўлимидаги МАХСУС ГРУППАНИНГ 1-КУРСИГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4 йил.

Махсус группага олий маълумотли кишилар математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширгандан кейин конкурс тартибида қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 4 йил.

Махсус группага кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиадилар: дипломнинг копияси, зачет ведомостидан кўчирма, иш жойидан илтимоснома, гаржимаи ҳол, иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, медицина справкаси, 4 та фотокарточка, иш жойидан справка, турар жойдан справка.

Аризалар 15 сентябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 18 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35-уй, 166-хона (кундуз соат 5 дан кеч 8 гача).

Уйғур кўчаси, 176-уйда турувчи **Эргаш Очилович Раҳимжоновнинг** Маҳтумқули кўчаси, 8-уйда турувчи Саида Расулевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

1 Май кўчаси, 13-уйда турувчи **Владимир Андреевич Величконинг** Крупская кўчаси, 9-уйда турувчи Светлана Николаевна Величкондан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Наманган кўчаси, 22-уйда турувчи **Владимир Яковлевич Яловойнинг** Амур кўчаси, 32-а-уйда турувчи Валентина Георгиевна Яловаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, 2-Застройщик проезд, 19-уйда турувчи **Людмила Борисовна Шишкинанинг** Тошкент область, Янгийўл район, Михайловка қишлоғида турувчи Дмитрий Ильич Шишкиндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01105
Индекс 64969.
Нашр. № 1837.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.